

Ҳаргиз касодга учрамайдиган тижорат



11:03 / 04.06.2021 2179

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда марҳамат қилади:

أَرْسَلْنَا قَرَرَ أُمَّمَ أَوْقَفْنَا أَوْ أَلْصَلَّا أَوْمَأْنَا أَوْ لَلَّابَاتِكَ نَوْلْتِي نِيْدَلَانِ
رُوبَتِ نَلَّ رَاجَتِ نَوْجَزِيَّ عَيْنَالَعَو

«Албатта, Аллоҳнинг китобини тиловат қиладиганлар, намозни тўқис адо этиб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ қилганлар, ҳаргиз касодга учрамайдиган тижоратдан умидвор бўлурлар» (Фотир сураси, 29-оят).

Учта тижорат зарар кўриш нималигини билмайди:

1. Қуръон қироати.
2. Намоз.
3. Инфоқ.

«Албатта, Аллоҳнинг китобини тиловат қиладиганлар»

Яъни, бу оятда Аллоҳ таолонинг Ўз Китобида буюрганларига эргашиб, уни амалга оширадиганлар ва қайтарганларидан четда бўладиганлар, Қуръондаги хабарларни тасдиқ этадиганлар, Қуръоннинг ҳақлигига иймон

келтирадиганлар, Қуръонни тиловат қиладиганлар, ўқиб-ўрганадиганлар, маъноларини тушунишга уринадиганлар ҳақида гап бормоқда. Қолаверса, «тиловат қиладиганлар» деб таржима қилинган сўз оятда **نُؤَلْتِي نِيْڭ** тарзида ҳозирги-келаси замон феълида келган. Бу эса тиловатнинг доимий, мунтазам равишда бўлиши кераклигига ишора қилади.

«Намозни тўқис адо этиб»

Аллоҳнинг Китобини тиловатидан сўнг намоз ҳақида сўз бормоқда. Оятга эътибор берсак, «намоз ўқиб» дейилмаган, балки **«намозни тўқис адо этиб»** дейилган. Демак, намоз ўқиш билан намозни тўқис адо этишнинг ўртасида фарқ бор. Намозни тўқис адо этмоқ дегани намозни қоим қилмоқ деганидир. Яъни биз адо этадиган намоз қоим намоз, тик турган намоз, рукнлари ўз ўрнига қўйилиб, хушуъ-хузуъ билан адо этилган намоз бўлиши керак. Шошилиб, рукнлари нуқсон билан бажарилиб, зикрлари чала айтилган намоз бўлиб қолмаслиги лозим. Зеро, намоз Диннинг устуниси, мусулмонларнинг нури, мўминнинг меърожидир.

«Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ қилганлар»

Яъни, Аллоҳ таоло ато этган молу дунёдан, озиқ-овқатдан, кийим-кечакдан қариндошларга, мискинларга, етимларга ва бошқаларга инфоқ, садақа бериш лозим. Бу садақа закот, каффорот, назр, фитр, фидя ва бошқа садақалар бўлиши мумкин. Буларни махфий тарзда ва ошкора тарзда, яъни доимий равишда бериш талаб этилади. Ана шундай амалларни адо этадиганлар

«ҳаргиз касодга учрамайдиган тижоратдан умидвор бўлурлар» яъни, у тижорат ҳаргиз касодга учрамайди, зиёнга кетмайди, бу энг улуғ, олий ва афзал тижоратдир. Бу Аллоҳ таолонинг розилиги, кўплаб савобларни қўлга киритиш, қаҳридан, иқобидан нажот топишдир. Чунки, мазкур амалларни бажарган мусулмонлар уларни Аллоҳнинг розилиги учун, ихлос билан адо этганлар, ўша амалларни бажариш орқали риё, кибр, обрўга эришиш каби ёмон мақсадларни, бузуқ ниятларни умид қилмаганлар.

Роббимизнинг Каломини доимий равишда ихлос билан тиловат қилиб, оятлари маъносини ўрганишга, намозларимизни тўқис адо этишга, пулимиздан инфоқ, садақа беришга интилайлик. Ана шунда, иншаа Аллоҳ, Аллоҳнинг фазлига, ризосига, мукофотига эришиб, азобидан нажот топамиз.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

«Тафсийрус Саъдий» асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади